


**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИХТИСОСЛАШГАН
КЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ:
ТАЖРИБАЛАР, НАТИЖАЛАР ВА
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР**

Республика илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ

2020 йил 9 ноябрь



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИХТИСОСЛАШГАН
КЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ:
ТАЖРИБАЛАР, НАТИЖАЛАР ВА ИННОВАЦИОН
ЁНДАШУВЛАР**

Республика илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ

**Бухоро
«Дурдона» нашриёти
2020 й**

Қишлоқ хўжалигида ихтисослашган кластерларни шакллантириш: тажрибалар, натижалар ва инновацион ёндашувлар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2020 йил 9 ноябрь: - Бухоро : “Sadriiddin Salim Buxoriy” Durdona нашриёти, 2020.-212 б.

Дастурий кўмита: и.ф.д.профессор О.Х. Хамидов, PhD, доц О.С. Қахҳоров, и.ф.д. професор Б.Н. Наврўз-Зода, и.ф.д. Т.Х. Фармонов, и.ф.н., доц. М.А. Орипов, и.ф.н., доц., А.Т. Жўраев, и.ф.н., доц., С.У. Таджиева, и.ф.н., доц., Д.Ш. Явмутов, и.ф.н. доц., Х.И. Мўминов, и.ф.н. доц., М.М. Тоирова, и.ф.ф.д. А.Ж. Абдуллоев.

Ташкилий кўмита: PhD,доц О.С. Қахҳоров, и.ф.д. профессор Б.Н. Наврўз-Зода, и.ф.н., доц., А.Т. Жўраев, и.ф.ф.д. А.Ж. Абдуллоев, и.ф.ф.д. З.С. Нуров, катта ўқитувчи: С.С. Давлатов, ўқитувчи А.Д. Қудратов

“Қишлоқ хўжалигида ихтисослашган кластерларни шакллантириш: тажрибалар, натижалар ва инновацион ёндашувлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани тўпламига етакчи олимлар, профессор-ўқитувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар илмий тадқиқот ишлари доирасида илмий мақолалари ва маъруза тезислари киритилган. Мазкур анжуман қишлоқ хўжалигида кластерни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш, Кластерлар фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий – меъёрий асосларини такомиллаштириш, Кластер тизимида фермер хўжаликларини самарали ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш йўллари аниқлаш мақсадида Бухоро давлат университетининг Иқтисодиёт ва туризм факультети “Иқтисодиёт” кафедрасида Давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилаётган ОТ-Ф1-04(08) -рақамли “Кооперация ва интеграция муносабатлари асосида фермер хўжаликларида рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришнинг мақбул моделларини ишлаб чиқиш” амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида ташкил этилиб, анжуман материаллари тўпланиб нашр этилган.

Тўплам и.ф.д., профессор Б.Н. Нарўз-Зода умумий таҳрири остида чоп этилди.

Тўплам Бухоро давлат университети илмий-техникавий кенгаши томонидан чоп этишга тавсия этилган.

Тақризчилар:

- 1.Азимов Б – Бухоро муҳандислик технология институти доценти, и.ф.н.
2. Хўжакулов Х.Д. – Тошкент молия институти профессори, и.ф.д.

Мазкур тўпламга киритилган илмий ишлар ва ғоялар мазмуни, ундаги статистик маълумотлар, саналарнинг аниқлигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг шахсан ўзлари масъулдирлар.

тарихий тажрибага ва кластерлик тузилмасининг бошқа таркибий қисмларига эгадир.

Шундай қилиб, энг муҳими мамлакатни кластерли ривожлантиришнинг салоҳиятини баҳолаш билан чекланиб қолмай, балки унинг институционал асосларини ва ўзаро манфатли иқтисодий муносабатларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

ИХТИСОСЛАШГАН АГРОКЛАСТЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Фарманов Тўлқин Хайитмуродович

ҚХООСИТИ лойиҳа раҳбари, иқтисодиёт фанлари доктори., профессор

Абдуллоев Аслидин Жунайдуллоевич

Бух ДУ Иқтисодиёт кафедраси мудири и.ф.ф.д

Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида реал соҳаларни вертикал ва горизонтал институционал тузилмаларининг фаолияти такомиллаштирилиб, замонавий бозор тамойилларига мос янги маъмурий-бошқарув тузилмаси ва ижро-назорат аппарати шаклланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида юзага келаётган янги тузилмалар таркибини кластерлар, логистика марказлари, консалтинг хизмати, ахборот-ресурс марказлари ташкил қилиб, уларнинг асосий фаолияти – соҳада бошқарув салоҳиятини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ва инфратузилма субъектлари ўртасида мустаҳкам иқтисодий муносабатларни ўрнатиш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Европа мамлакатлари, АҚШ, Канада, Жанубий Корея, Хитой каби давлатлар, шунингдек сўнгги йилларда МДҲ давлатлари қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган илғор тажрибаларга кўра, алоҳида бир ҳудудда ёки чегарадош ҳудудларда аниқ бир турдаги қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларини бозор муносабатларида самарали фаолиятини таъминлаш учун “қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, таъминот, иш бажариш, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш ва бошқа йўналишда қатъий масъулият, замонавий бошқариш, ишлаб чиқариш ва истеъмол фаолиятларини мувофиқлаштириш, ўзаро амалий ёрдам, уйғунлашган ҳамкорлик тамойиллари ва демократик ижро тизимига асосланган кластер тузилмалари” ташкил қилиниб, улар таркибидаги хўжалик субъектлари ўртасидаги алоқалар кооперация муносабатлари асосида йўлга қўйилмоқда.

Республикамизда ушбу йирик тадбир бошлангандан сўнг ўтган икки йил ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг махсус қарорларига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 76

та ихтисослашган пахта-тўқимачилик¹ ва 47 та мева-сабзавотчиликка кластерлари² фаолият кўрсатмоқда ҳамда уларга 60 фоиздан ортиқ қишлоқ хўжалиги майдонлари бириктирилган³.

Мева-сабзавот кластерларига 13,5 минг гектар ер майдони ажратиб берилиб, улар ихтиёрида 15,9 минг тонна сифимидаги музлаткич омборхоналар, 7810 тонна саралаш, 800 тонна калибрлаш, 4 та замонавий лаборатория, 119,8 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, 23201 тонна мева-сабзавотни саралаб-қадоқлаш цехлари мавжуд бўлиб, 1046 доимий, 1085 та мавсумий иш ўринлари ташкил этилган⁴.

Бундан ташқари бошоқли дон, экинлар уруғчилиги, пиллачилик, чорвачилик (гўшт, сут етиштиришга ихтисослашган) ва бошқа тармоқлар бўйича агрокластерлар ташкил қилинди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Кластерлар таркибига кирадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган хўжалик субъектлари билан қўйидагича муносабат ўрнатилган: биринчи йўналиш бўйича – хусусий тадбиркорларга (хорижий ёки республикамиз фуқароси) ер бериш, яъни тадбиркорларга йирик миқдорда экин майдонлари ажратиб берилди; иккинчи йўналиш бўйича – кластер раҳбари ўз ерига ҳам эга, шунингдек у атрофдаги фермерлар билан ҳамкорликда ишлайди ва учинчи йўналиш бўйича - ҳозирги пайтда энг кўп қўлланилаётган амалиёт – фермерлар билан фючерс шартномасини тузиб фаолият кўрсатаётган кластерлар.⁵

Мамлакатимизнинг ҳар бир қишлоқ туманларида ташкил қилинаётган ихтисослашган кластерлар саноат корхоналарини сифатли қишлоқ хўжалиги хом ашё маҳсулотлари билан таъминлашда, мамлакатни экспорт салоҳиятини ошириш ва валюта тушумини кўпайтиришда муҳим ўринни эгаллайди.

Ихтисослашган агрокластерларни ташкил қилишдан асосий мақсад – кластер аъзолари фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ҳамкорликда ва ўзаро келишилган ҳолда бартараф этиш, қишлоқ хўжалиги хом ашё маҳсулотларини ишлаб чиқаришини барқарор ўсишига эришиш, қишлоқ ҳудудларида кичик саноат корхоналарини ташкил қилиш ва қишлоқ

¹ «Маҳсулотларимиз ташқи бозорда рақобатлаша олмапти» — Қишлоқ хўжалигидаги камчиликлар таҳлил этилди. <http://www.uzfk.uz/news/view/380>

²Жамшид Ходжаев: 9 та устувор йўналишлар бўйича 30 дан ортиқ норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилади. <http://www.agro.uz/uz/news/agro/zhamshid-khodzhaev-9-ta-ustuvor-y-nalishlar-b-yicha-30-dan-orti-normativ-u-u-iy-uzhzhatlar-ishlab-ch/>.

³Ақтам Хайитов кластер тизими ҳақида: «Бизда бу борада аниқ қонуннинг ўзи йўқ». <https://kun.uz/news/2019/09/11/aktam-xayitov-klaster-tizimi-haqida-bizda-bu-borada-aniq-qonunning-oz-i-yoq>

⁴Жамшид Ходжаев: 9 та устувор йўналишлар бўйича 30 дан ортиқ норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилади. <http://www.agro.uz/uz/news/agro/zhamshid-khodzhaev-9-ta-ustuvor-y-nalishlar-b-yicha-30-dan-orti-normativ-u-u-iy-uzhzhatlar-ishlab-ch/>.

⁵Ақтам Хайитов кластер тизими ҳақида: «Бизда бу борада аниқ қонуннинг ўзи йўқ». <https://kun.uz/news/2019/09/11/aktam-xayitov-klaster-tizimi-haqida-bizda-bu-borada-aniq-qonunning-oz-i-yoq>

хўжалиги хом ашё маҳсулотларини бирламчи қайта ишлаб, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош тайёр маҳсулотларни ички ва ташқи бозорга сотиш, демократия тамойилларига асосланган шаффоф, ишончли ва адолатли муҳитни шакллантириш асосида кластерда юқори иш унумдорлигини ва ишчи-ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш даражасини оширишга эришиш ҳисобланади.

Кластер модели қишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича, масалан пахтачиликда тўлиқ ёпиқ ишлаб чиқаришни ўз ичига олади ва бу модель республикамизда биринчи марта қўлланилмоқда.

Бу борадаги илк йирик тадбирлардан бири Бухоро вилоятида замонавий пахта тўқимачилик кластери "Bukhara cotton textile cluster" МЧЖ қўшма корхонаси ташкил қилиниб,¹ кластер тасарруфига пахта хом ашёси ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун 8.0 минг гектар суғориладиган ер майдони ажратилган (1-расм).

Бухоро вилоятида пахтачилик кластерида замонавий ишлаб чиқариш - ижтимоий объектларини ишга туширилиши қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга ва бу янги тузилмада 1000 нафардан кўп янги ишчи ўринлари яратилди.

Республикамизда ихтисослашган кластерларни ташкил қилиниши:


- қишлоқ хўжалиги тармоқларига бозор иқтисодиёти тамойиллари ва замонавий шартнома муносабатларини жорий этилиши натижасида хом ашё ўрнига сифатли, замонавий ва рақобатбардош тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқиб, ички ва ташқи бозорларга сотиш;

- пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда инновацион ишланмалар ва ресурстежамкор технологияларни жорий қилишни иқтисодий рағбатлантириш ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан манфаатларини ҳимоя қилиш;

- хорижий инвесторлар иштирокида замонавий ихтисослашган кластерлар мажмуасини шакллантириш асосида ҳудудий тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналарини модернизация қилиш, қишлоқ хўжалигининг тайёр маҳсулотларини экспорт ҳажмини кўпайтириш;

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2978-сонли "Бухоро вилоятида замонавий пахта тўқимачилик кластерини тузиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори. https://nrm.uz/contentf?doc=488639_2017_yil

1-расм. “ВСТ cluster” корхонаси таркибига кирувчи “ВСТ cluster agrokompleks” корхонасининг ташкилий тузилмаси¹



¹“ВСТ cluster” корхонаси маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган.

•яқин истиқболда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уларни тўлиқ қайта ишлашни ривожлантириш натижасида тармоқларнинг самарадорлиги ва салоҳиятини янада ошириш;

•қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортида замонавий брендни яратишда муҳим ўринларни эгаллайди.

Бухоро вилоятида ташкил қилинган пахтачилик кластери бир нечта туман ҳудудларида пахта хом ашёсини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари, тайёрлов, қайта ишлаш ва сотиш тизимидаги корхоналар, инфратузилма хизмати субъектларини кооперация асосида бирлаштириб, уларни ишлаб чиқариш, тайёрлов, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларидаги ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиради.

МАМЛАКАТ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА КЛАСТЕРНИНГ АҲАМИЯТИ

Х.И.Мўминов – БухДУ доценти, и.ф.н.

А.Джураев – БухДУ магистранти.

Бугун мамлакатимизда пахта толасини чуқур қайта ишлаш ҳажми ошмоқда. Бу кўрсаткич ўтган асрнинг 90-йилларидаги 7 фоиздан 50 фоизгача ўсди. Яқин йиллар ичида Ўзбекистонда етиштирилган жами пахта толасининг асосий қисми ўзимизда чуқур қайта ишланади. Айни шу жараёнга кластер кўмакчи бўлади. У мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорда талаб катта бўлган янги турлар билан бойитилишига муносиб ҳиссасини қўшади. Соҳага жалб қилинаётган инвестиция ва замонавий технологиялар маҳсулот сифтини ошириб, рақобатбардошлигини таъминлайди, экспорт салоҳияти юксалишига хизмат қилади.

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган органик озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, жаҳон бозорига миллий маҳсулотимизни экспорт микдорини ошириб боришдир.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилда Бухоро ва Сирдарё вилоятларида илк бор пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилиб, ижобий натижалар қўлга киритиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 январдаги 53-сонли “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Бу қарорда фермер хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва тўқимачилик саноати корхоналари ўртасида бозор муносабатларини шакллантириш, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш асосида юқори

МУНДАРИЖА

Бухоро давлат университети ректори О.Х.Хамидов табрик ва кириш сўзи	3
I ШЎЪБА. ИХТИСОСЛАШГАН КЛАСТЕРЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ	
М.А.Қодиров, А.Т.Ахмедиева, Кластерларни ривожлантиришни бўйича услубий минтақавий ва ҳудудий хусусиятлари	4
Т.Х. Фарманов, А.Ж. Абдуллоев, Иختисослашган агрокластерлар фаолиятини ривожлантириш	9
Х.И. Мўминов, А.Джурраев Мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда кластернинг аҳамияти	13
Ибрагимов Н.С. Иختисослашган кластер сиёсати ва тармоқ кластерлар	16
М.М. Тоирова, Н.Кадирова. Применение опыта сельскохозяйственных кластеров развитых стран мира в экономику Узбекистана	18
А.Кучаров, Н.Акбаров, С.Айтиева, Д.Ишманова Кластер тизимини ривожлантиришда транспорт логистикасининг самарадорлиги ва уни такомиллаштириш	21
З.Б.Наврўз-зода Кластер тушунчаси ва унинг органик тузилиш	24
SH.V. Voltaeva, O.A.Mardonova Klasterlar va ularning iqtisodiyotdagi ahamiyati.	27
А.Ж. Абдуллоев, С.С. Давлатов. Минтақаларда ва ҳудудларда инновацион жараёнларни баҳолашда таълим кластери ёндошуви	29
З.А.Кайимова Методические основы организации кластерного развития сельского хозяйства Узбекистана	33
Н.Б.Гиязова Значение маркетинга для успешного функционирования кластеров территорий	39
М.У. Turdiyeva “Qishloq xo’jaligida ixtisoslashgan klasterlarni shakllantirish: tajribalar natijalar va innovatsion yondashuvlar”	41
Z.A.Qayimova Mamlakatda agroklastarlarni shakllantirish masalalari	43
А.Ж. Абдуллаев, З.А. Кайимова научный подход к кластерной формы организации сельского хозяйства	46
И.Н.Ниёзова Кластерларнинг ўзига хос хусусиятлари	54
II ШЎЪБА. КЛАСТЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ – МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
Х.И.Мо’minov “Ixtisoslashgan klasterlari”ning ahamiyati va tashkil qilish bosqichlari	57

З.Т. Абдулхакимов Иқтисодий ривожлантиришда туристик-рекреацион кластерлар, зоналар ташкил этиш масалалари	59
A.Qudratov, L.Jiyanov Qishloq xo`jaligida innovatsion rivojlanish va klasterga yondashuv	64
Т.Ғ. Ёқубов Кластер тизимида фермер хўжалиklarини самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда шартномавий муносабатлар ва унинг молиявий хусусиятлари	68
A.R.Xodjayev agroklasterning samaradorligini oshirishda raqamli texnologiyalarni qo'llash xususiyatlari	71
Қ.Мамадалиев, Ш.Умарова агробизнесда экологик муаммолар ва уларни бартараф этишнинг инновацион йўллари	74
Н.Б. Гиязова, Г.Бобоева Особенности региональных кластеров	75
Ш.Б.Болтаева, Ш.Ш. Болтаева Кластер ва уларни ташкил этишнинг аҳамияти	78
М.Х.Уракова Агропромышленные кластеры как условие инновационного развития	80

Ш ШЎБА. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШГАН КЛАСТЕРЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ - ИҚТИСОДИЙ ВА СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Б.Б.Беркинов, Ё.М.Абдурахимова Маҳалла ҳудудида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун кичик кластерни ташкил этиш босқичлари	83
Р.Х.Эргашев, У.Х.Беглаев Балиқчилик хўжалиklари кластерларини ташкил этиш ва ривожлантириш	89
Р.Х.Ташматов Мева-сабзавот бўйича кооперацияни ривожлантириш - трансакция харажатларни камайтириш механизми сифатида	92
Қ. Мамадалиев Кластерлашнинг агробизнесда рисклар даражасини пасайишига таъсири	96
С.Н.Файзиев, З.С.Нуров Бухоро вилоятида замонавий кластерларни самарали ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш йўллари	100
Р.А.Рашидов Кластер тизимида пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжалиklарида ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш самарадорлигини ошириш йўллари	105
Т.Н.Иминов Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган кластерлар фаолиятида кооперация муносабатларининг ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари	108
Д.Д.Рустамова Мева-сабзавотчиликда кооперациявий муносабатларни шакллантириш масалалари	112
Т.Н.Иминов мева-сабзавотчилик бўйича ихтисослаштирилган кластерларнинг иқтисодий ривожланишдаги ўрни ва аҳамияти	117